



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

2010 йил 11 июнь, ЖУМА

XXI аср сандоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан ўтказилаётган «Мафтункор ранглар жилоси» кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий қobiliятини рўёбга чиқариш мақсадида Республика ногиронлар жамияти вилоят бўлими ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда ўттиздан зиёд ўғил-қиз иштирок этди.

● Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти учун республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Ниҳол» мукофоти рақс, эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқчилик ва опера санъати бўйича иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

● Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган катта эътибор, яратилаётган қулай инвестицион муҳит саноат корхоналарининг ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Норин туманида фаолият кўрсатаётган «Норинтекс» очик акциядорлик жамияти ушбу имтиёз ҳамда имкониятлардан самарали фойдаланиб, мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Яқинда корхонанинг Низом жағмағмаси 400 минг АҚШ долларига кўтарилди.

● Сурхондарё вилоятида полиомелитга қарши эмлашнинг иккинчи босқичи давом этмоқда. Воҳада мазкур тадбирнинг биринчи босқичида беш ёшгача бўлган 221 мингдан зиёд бола эмланди.

● Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Тошкент давлат иқтисодий университетини томонидан фермерларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимини оширишга бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (11.674)

Баҳоси эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўладиган саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.**

— ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси арафасида сизни Тошкентда кутладан мамнунман. Ишончим комилки, мажлис доирасида бўлажак музокаралар юксак даражада, ишчанлик руҳида ўтади, - деди Ислам Каримов.

Дмитрий Медведев Ўзбекистон Республикасининг ШХТга расилги яқунлиги юксак баҳо берди ва саммит асносида бўладиган музокаралар самарали ва сермазмун ўтишига, халқаро барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Президентлар Ўзбекистон-Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар ҳамда минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Россия кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ҳам кўп томонлама асосда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўладиган саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди.**

— ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг ишчан кайфияти ва конструктив ёндашувлари Тошкент саммити муваффақияти билан ўтишини таъминлайди ва Ташкилот фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади, - деб таъкидлади Ислам Каримов.

Қозғистон Президенти, ўз навбатида, «Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги савдо-иқтисодий ва маданий таъминловини ҳамда минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилиш механизmlарини такомиллаштиришда ўрнатилган хизмат қилади. Тошкент саммитида қўрилган масалалар ва имзоланган ҳужжатларнинг ўзиёқ ШХТнинг аҳамияти нақадар ошганини яққол кўрсатиб турибди», деб қайд этди.

Музокарада ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш учун олий даражадаги Ўзбекистон-Қозғистон мулоқотларини изчил давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиёдаги сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, минтақавий хавфсизлик, жумладан, терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний савдоси ва минтақа хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа хавф-хатарларга қарши курашишга оид масалалар кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж билан учрашди.**

— Сизнинг ШХТ саммитида иштирок этишингиз муҳим аҳамиятга эга, - деди Ислам Каримов. - Мўғулистон Президенти сифатида Ўзбекистонга илк таширфингиз халқимизнинг маданияти ва қадимий тарихи, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, Ўзбекистон-Мўғулистон муносабатлари истиқболлини муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро англашув ва иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик тамойиллари асосланади. Ўзбекистон ва Мўғулистон кўплаб соҳаларда ҳамкорлик бўйича улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдидларни бартараф этишга доир масалаларга ёндашувлари ўхшашдир. Мўғулистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги савдо-иқтисодий юксак кадрлайди.

Таъкидлаш жоизки, Мўғулистон Ўзбекистон билан икки томонлама сиёсий муносабатларни фаоллаштиришга ҳаракат қилмоқда. 2009 йил 23 сентябрь куни Улан-Баторда ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида икки мамлакатнинг ташкил шилар вазирликлари даражасидаги маслаҳатлашувларнинг биринчи давраси бўлиб ўтди.

Кўксаройдаги учрашувда Мўғулистон Президенти самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ШХТ саммити юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади. Цахиагийн Элбэгдорж мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришнинг янги имкониятлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлишига ишонч билдирди.

(ЎЗА)

## ХИТОЙ РАИСИ

### МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 10 июнь куни мамлакатимизнинг бош майдони - Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, эзгу ниятларимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

ХХР Раиси Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида Мустақиллик майдонига амалга оширилган кенг кўламли, улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан танишди.

(ЎЗА)

## ШХТНИНГ ТОШКЕНТ САМИТИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

**2009 йилнинг июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиб келмоқда. Бугун Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 10-йигилиши бўлиб ўтади. Унда Ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти яқунлари кўриб чиқилади ҳамда келгуси истиқболлари белгилаб олинади.**

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида ушбу сиёсий воқеа ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этаркан, ХХР Ташкилот ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой Халқаро масалалар институти ШХТ тадқиқотлари маркази директори Чэнь Юйжун Ўзбекистоннинг Ташкилот салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги савдо-иқтисодий юксак баҳолаб, «Бунга мамлакатнинг ШХТдаги раислиги даврида эришилган натижалар гувоҳлик беради», дея алоҳида қайд этди. Унинг фикрича, БМТ ва ШХТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациянинг имзолангани бунинг яққол мисолидир.

— Ўзбекистоннинг раислигида ШХТга аъзо давлатлар тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари учрашувлари муваффақиятли ўтказилди, — деди у, жумладан. — Жорий йил май ойида Тошкентда Ташкилотга аъзо давлатлар Ташкилот ишлар вазирларининг йигилиши бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси бош тадбир — Ташкилотнинг келгуси фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутилаётган ШХТ Тошкент саммитининг ўтказилишига муҳим асос бўлади.

(Давоми 2-бетда).



**Маданият ва санъат ҳамиша халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Жозибали мусиқани тинглаш, рақсларни томоша қилиш учун таржимонга эҳтиёж йўқ.**



## САНЪАТ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончнинг мустаҳкамлаши ҳамда маданият ва санъат муҳим ўрин тутди. ШХТнинг ҳар бир саммити доирасида ташкилотга аъзо мамлакатлар санъати намуналаридан ташкил этиладиган концерт бунинг тасдиғидир.

Бу ШХТнинг Тошкент саммитида ҳам ўзининг эркин ифодасини топди. 10 июнь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида мазкур саммит иштирокчилари учун концерт намойиш қилинди.

Соат 17.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Покистон Ислам Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ҳамид Карзай кириб келдилар.

Йигилганлар олий мартабали меҳмонларни гулдўрс қарсақлар билан кутиб оладилар.

Саҳнада ўзбек, рус ва хитой тилларида кўтлов сўзлари янгради.

Хонандалар Азамат Мухаммаджонов, Умид Исроилов, Нилуфар Эргашева, Барно Исмаилов ва хор жамоаси ижросида «Тинчлик таронаси» қўшиғи янгради. Тинчлик, дўстлик, яқин қўшничилик, ҳамкорликни мадҳ этувчи ушбу тарона йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Ҳар қандай тантананинг муҳим белгиси болаларнинг қувноқ ўйин-кулгиси, шўх-шодон кўйқирликлари, десак, хато бўлмайди. Саҳна «Томоша», «Булбулча», «Бахтли болалар» болалар гуруҳлари қатнашчилари эгаллайдилар. Улар «Мусаффо осмон» муслиқий-хореографик композициясини ижро этдилар, «Гуллар очилганда» қўшиғи янгради.

Ўзбекистон санъат усталари «Бир камар сиймони кўрдим» романсини, Пётр Чайковскийнинг фортепиано ва оркестр учун Биринчи концертдан парча, «Тонг» романсини (Ружеро Леонкавалло), «Дон Кихот» (Людвиг Минкус) балетидан лавҳа, «Травията» (Жузеппе Верди) операсидан Виолетта ариясини ижро этдилар.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистранти Ойгул Фулом қизи иж-

росида «Менинг суюкли Хитойим», хонанда Тамилла Курмакаева ижросида «Гўзал дилёр» деб номланган қўшиқлар хитой тилида янгради.

Раҳим Мирзакамоллов «Коробейники», Женисбек Пиязов «Питер кўчаси бўйлаб» рус халқ қўшиғини ижро этди. Муножат Йўлчиева, Зулайхо Бойхонова, Матлуба Дадабоева, Фаррух Зокиров, Озодбек Назарбеков ва бошқа санъаткорлар «Ялла», «Ўзбекистон», «Айқул», «Сабо», «Офарин» ансамбллари иштирокида бири-биридан гўзал ва жозибали ўзбекча, қозқча, қирғизча, тожикча, туркманча, қорақалпоқча қўшиқ ва рақсларни ижро этди.

Муассар Раззоқова ва Аваз Ражабов ижросидаги «Инсон азиздир» қўшиғи концертнинг авж пардаси бўлди. Ушбу тарона инсонларни меҳр-оқибатли бўлишга чорлаб, бир-бирини асраб-авайлаш ва эъзозлаш мадҳияси сифатида янгради. Қўшиқда қўйланган «Юракдан юракка нур ёғсин фақат!» сатрлари ШХТ олий мақсадларига ҳамроҳлиги билан алоҳида эътибор торди ва концертнинг бадиий-ғоявий мазмун-моҳиятини намойиш этди.

Олим ТўРАҚУЛОВ,  
ЎЗА муҳбири





(Давоми. Боши  
1-бетда).

Покистонлик экспертлар, хусусан, Пешовар университетининг ректори Азमत Хоннинг фикрича, ШХТга раислиги даврида Ўзбекистон эътиборли натижаларга эриша олди. Жумладан, ШХТ ва БМТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги кўшма декларация имзоланди, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми ва ШХТ иш тартиби қоидалари ишлаб чиқилди. У шунингдек ШХТ доирасида

## ШХТНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

аъзо давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик қилиш ва ягона иқтисодий бозор ташкил этиш бўйича етарлича истиқболга эга эканини қайд этди. ШХТга аъзо давлатлар минтақаси табиий ва энергетика ресурсларига бойдир, дея таъкидлади у.

«ИнфоШОС» интернет порталининг бош муҳаррири Татьяна Синицинининг мулоҳазасига кўра, Ўзбекистон раислигининг қиймати, энг аввало, аниқликдадир. «Турлича фикр билдирганлар кўп бўлди, лекин карвон ўз йўлида давом этди. Хусусан, Тошкент декларацияси ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ушбу

ташкilotлар ўртасидаги мулоқотларнинг янада ишончли ва амалийлигини таъминлайди», дейилади унинг «Новости» ахборот агентлиги веб-сайтида эълон қилинган мақоласида.

Муаллиф, шунингдек, ташриф чоғида БМТ раҳбарига қуриб бораётган Орол денгизининг экологик манзараси яққол кўрсатилганини қайд этди. Бошқа муаммолар қаторида унинг қисмати ҳам ШХТни ташвишга солмоқда. Экологик йўналиш – ШХТ ва БМТ биргаликда саъй-ҳаракат олиб борганидагина керакли натижага эришилиши мумкин бўлган энг аниқ йўналишлардан биридир.

ШХТга раислиги даврида Ўзбекистон айниқса, ўз ташаб-

бусини ишлаб чиқиш орқали афгон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш борасида муҳим қадамларни қўйди. Тошкентда БМТ шафелигида ташкил этилган «6+3» мулоқот гуруҳи мазкур мамлакатдаги зиддиятни тартибга солиши мумкин, деган хулосага келинди. Унинг таркибига ваколатли давлатлар – Афғонистоннинг қўшнилари, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТО вакиллари кириди. Бундай дипломатик-маслаҳатлашув органи воситасида Афғонистоннинг ичкарида ҳам, ташқирисидида ҳам келишувга эришиш мумкин.

Мақолада гиёҳванд моддалар савдосини тўхтатиш – муҳим муаммолардан бири экан-

лиги айтилади. Ташкilotнинг бу борадаги ҳақиқий имкониятларининг ишга солиниши, экспертларнинг фикрича, ушбу масалани ҳал этишга ШХТнинг қўшган улуши бўлади.

Транспорт коммуникациясини ривожлантириш – ШХТнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазибаларидан биридир. Ўзбекистон Е-40 деб номланувчи халқаро транспорт йўлининг ўз худудига тегишли қисмини реконструкция қилиш бўйича олган мажбуриятини баҳариб бўлди. Бундан ташқари, Навоий вилояти худудида ташкил этилган ва Е-40 йўналишининг марказида жойлашган эркин индустриал-иқтисодий зона келгусида нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатувчи куч бўлади, деб ёзади мақола муаллифи.

«Жаҳон» АА

## Иқтисодиёт

### ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА

**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бугунги давр талабига мослиги, албатта, замонавий илғор технологиялардан самарали фойдаланишнинг, ташаббус кўрсатиб, янги лойиҳалар устида ишлашнинг, кадрлар малакасини оширишнинг, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлашнинг ёрқин ифодасидир.**

«Иродат текс» масъулияти чекланган жамияти томонидан махсус иш қиймлари ҳамда замонавий моделдаги либослар ишлаб чиқарилишида ҳам бугуннинг талабига тўла жавоб беришга эришилмоқда. Шу боис ҳам корхона маҳсулотларига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб ташкilot ва муассасалардан буюртмалар тушмоқда.

— Корхонамиз 2004 йилда фаолият бошлаган бўлиб, — дейди директор Бахтиёр Хўжаев, — цехларимиз Россия ва Хитойнинг бичув ва тикув дастгоҳлари, бошқа зарур замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Утган йиллар мобайнида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига ишчи ўринлари анча кўпайди. Бугунги кунга қўйиб 150 нафар малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг ўзида дизайнер-модельерларимиз томонидан 50 хил моделдаги иш қиймлари яратилди. Утган йилда Хитой давлатидан энг замонавий тикув дастгоҳларини келтирилиши натижасида маҳсулот турлари ва сифатини оширишга муваффақ бўлинди. Махсус иш қиймлари билан биргаликда замонавий либосларнинг турли моделлари яратилиб, ички бозорда муносиб ўрнини топмоқда.

Айни пайтда корхонада хорижий буюртмаларни ҳам жалб этиш, экспортни йўлга қўйиш устида изланилмоқда. Маҳсулотларга россиялик харидорлардан буюртмалар тушаётгани бунинг ёрқин исботидир.

### ТАЛАБЛАРГА МОС

**Маҳсулот сифатига қаратилган эътибор харидорлар сафи кенгайишида, буюртмаларнинг ортиб боришида ўзига хос аҳамият касб этди. Шу боис ҳам бозор иқтисодиёти шароитида маркетинг ишларини йўлга қўйиб, маҳсулотнинг харидорлиги турларини кўпайтириш асосида иш юритиш яхши самара беради.**

«Zamin Turkiston» масъулияти чекланган жамиятида асосан эркаклар устки қиймлари тикилади. Бу маҳсулотларнинг импорт ўрнини босаётгани ва четдан келтирилган товарлардан бирмунча арзонлиги эътиборга лойиқ.

Корхона илк фаолиятини 10 нафар ишчи билан бошлаган бўлса, бугун уларнинг сафи 50 тадан ошганлиги, албатта, ривожланишдан далolatдир. Талабга яраша тикилаётган костюмлар рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамжи ортиши баробарида олинган соф фойда ҳам кўпаймоқда.

Яқин келажақда корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хориждан янада замонавий бичув ва тикув дастгоҳлари келтириш, янги цехлар ташкил этиб, келгусида ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш ният қилинган, шунингдек, маҳсулотларнинг 50 фоизини МДХ давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Корхонада Германия, Хитой ва Туркиядан келтирилган компьютерлашган тикув дастгоҳлари, пресс-дазмоллар ўрнатилган бўлиб, бу борада малакали мутахассислар ҳам етарли.

### ИМКОНИАТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНМОҚДА

**«Хунарларнинг қўли гул» деган нақл бежизга айтилмаган. Чиндан ҳам мустақиллик шарофати боис хунари гўзаллар - моҳир усталаримизнинг меҳнати нафақат юзага чиқди, балки уларга катта имкониятлар эшиги очилди, етарли имтиёзлар берилди.**

Зарифа Баҳодирова тadbirkorлик билан 2002 йилдан буён шуғулланиб келмоқда. Ўз хунарига алоҳида меҳр боғлаган бўлиб, тол новдаларидан фойдаланган ҳолда турли шаклдаги ва ҳамдаги рўзгорда асқотадиган саватлар, халқ истеъмоли моллари, диван, кресло, ошхона мебеллари, болалар қаровотлари, тебранама оромқушлар тайёрлаш билан машғул. Маҳсулот сифати ва дизайнига эътибор қаратгани боис ҳам буюртмачилар кўпайиб бормоқда.

Хунардан уста ўз фаолияти давомида 50 дан ортиқ шогирд етиштирди. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги мустақил иш бошлаб, иқтидорини ҳам намойён этмоқда.

Тadbirkor аёлнинг келгусидаги режалари сирасига маҳсулот турларини янада кўпайтириш, шогирдлари сафини кенгайтириш кириди. У ҳозирда ўзининг хунардончилик мактабини янада кенгайтириш, қизиқувчан ёшларни хунарга жалб этиш саъй-ҳаракатидадир.

Шарофат БАХРОМОВА

(ЎЗА)



Таълим масканларида

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ДОИМО ҲАМРОҲ БЎЛСИН

**Мамлакатимизда фарзандларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ўсиб-ўлғайиши, ўз билим ва салоҳиятини намойён этиши учун барча шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Бу борада янги таълим масканларини барпо этиш, уларни замон талаблари даражасида жиҳозлаш, таълим сифатини оширишга қаратилган чора-таdbirkorлар алоҳида ўрин тутди.

Фикримизни Собир Раҳимов туманидаги 22-мактаб мисолида давом эттирадиган бўлсак, ушбу маскан 2008 йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, бутунлай янги, замонавий қиёфа касб этган. Шу кунларда ўқув йили охирилган бўлишига қарамай, бу мактаб ўқувчи ва ўқитувчилар билан гажувлигининг гувоҳи бўлди.

— Ўқишлар якунига етган бўлса ҳам, мактаб барчани доимо ўз бағрига қорловчи қутлуг даргоҳ, — деди мактаб директори Алишер Фатхуллаев. — 1289 нафар ўқувчимиздан 170 таси 9-синфини тугаллаб, катта ҳаётга йўлланма олиш арафасида. Улар билан йил давомида «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг» мавзусидаги мулоқотлар уюштириб, меҳнат ярмаркаларида иштирок этдик, ота-оналар билан кетма-кет суҳбатлар ўтказдик. Ёшларнинг қайси академик лицей ёки касб-хунари коллежига кириши ҳал этилган. Ўқувчиларнинг чуқур билим олиши учун устозлик касбини шарафлаб келаётган Гулбахор Каримова, Иқболой Уктамова, Холида Садрихўжаева, Нарзулла Собиров, Низомжон Усмоновларни ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Мактаб фаолияти билан танишиш жараёнида бу ерда 2-синфдан бошлаб араб тили чуқур ўргатилиши, «Оила-мактаб-маҳалла» концепциясига амал қилинган ҳолда худуддаги «Себзор» маҳалласи ва 551-мактабгача таълим муассасаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиб, педагогларнинг малакаси ва маҳоратини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмаётганидан воқиф бўлдик.

— Ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиб, жисмонан соғлом бўлиши учун стол тенниси, мини-футбол, шахмат-шашка, волейбол тўғрисидаги мунтазам фаолият кўрсатилади, мактаб ёнида «Булоқ» сузиш ҳавзаси, бадий гимнастика билан шуғулланиш учун 23-спорт мактаби билан ҳамкорлик ўрнатилган, — дейди мактаб директори ўринбосари Нодира Ширинова. — Янги ўқув йилида математика, биология, кимё ва физика фанлари бўйича тўғрараклар очилиши режалаштирилган. Ёз мавсуми давомида эса мактабимизда бир қатор мусобақа ва тadbirkorлар ўтказиб борилади. Фурсатдан фойдаланиб, касбдошларимга навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, юксак маънавиятли бўлиб тарбия олишида масъулият билан ёндошиб, хизмат қилишда чарчаманг дея, омад тилаб қолам.

Шоира МУХАМЕДОВА  
СУРАТДА: мактаб фаолиятидан лаҳза.  
Козим Улмасов олган сурат.

## Қонун ва ижро

### ИШЧИ ВА ИШ БЕРУВЧИ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон сугурта бозори барча янги иқтисодий муносабатларни қамраб олган ҳолда, жадал суръатда ривожланмоқда. Президентимиз раҳнамоллигида халқаро андозаларга мос сугурта тизимини шакллантириш ва сугурта хизматини кенгайтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли мулкчилик шаклидаги 30 дан ортиқ сугурта компанияси фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Ўзбекивест» жадал ривожланаётган сугурта компанияларидан биридир. 1994 йилда ташкил этилган ушбу компания бугун барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг худудий филиаллар тармоғига ва сугурта бўлиmlарига эга.

Сугурта қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «умумий сугурталаш»нинг 17 тоифаси бўйича сугурта қилиш ва қайта сугурталаш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берадиган лицензиясига эга ушбу компания асосий эътиборни бугунги кундаги долзарб вазифа — иш

берувчининг фуқаролигини мажбурий сугурта қилиш қўламини кенгайтиришга қаратмоқда.

«Ўзбекивест» компаниясининг Сугурта хизматини ривожлантириш департаментидан маълум қилишарича, 2010 йилнинг биринчи чораги якунига кўра, компания томонидан ушбу сугурта тури бўйича 137,3 миллиард сўм ҳажмидаги мажбуриятлар қабул қилинган. Тузилган шартномалар сони 375 тани ташкил қилиб, сугурта тўловлари ҳажми 55,3 миллион сўмга етган.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда иш берувчининг ишчи олдидаги иж-

тимой жавобгарлиги тобора кучайиб бормоқда. Айни вақтда миллий қонунчилик иш берувчиларга ўз ҳодимларини ишончли ҳимоя қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

«Ўзбекивест» универсал сугурталовчи сифатида замонавий бозорнинг юқори стандартлари ва талабларига жавоб берадиган энг ишончли компания деган номга сазовор бўлишга интилоқда. Бунда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш — долзарб сугурта тури сифатида муҳим ўрин тутди.

**Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўбга чиқариш, йигит-қизларни XXI аср талабларига жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш бўйича кенг қўламли вазифалар белгилаб берилган.**

Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан мазкур вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг утган даврида пойтахтимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг масъул ходимлари иштирокида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб тadbirkorлар ўтказилди.

Маҳаллаларда тегишли ташкilotлар ҳамкорлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, турли ҳалокатли таҳдидлар, диний ва экстремистик таъсирлардан, «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича тарғибот-таъшиқот, тушунтириш ишлари изчил олиб боришмоқда.

Айни кунларда ёшлар билан ишлаш комиссиялари, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, корхона ва ташкilotлар, ички ишлар идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали ўнлаб ёшлар ишга жойлаштирилмоқда, битирувчиларга мавжуд иш ўринлари бўйича маълумотлар, меҳнат қонунчилиги оид тегишли маслаҳатлар берилмоқда.

Маҳаллаларда ёшларнинг қизиқиш ва интилоқишига қараб ташкил этилган наққошлик, ёғоч ўйма-

корлиги, дурадгорлик, тикучлик, пазандлик, қандолатчилик, сартарошлик, қандакорлик, ганчкорлик, заргарлик каби тўғраракларда кўплаб йигит-қизлар «Устоз-шогирд» аънаси асосида касб-хунари сир-асрорларини ўрганмоқда. Хорижий тилларни

ҳайрия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида яқинда пойтахтимиздаги «Маҳалла зийё» ўқув-услубий марказида бўлиб ўтган тadbirkorлар шу ҳақда сўз борди. Унда тиббиёт ходимлари, илғор маҳал-

лалар ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жамоат ташкilotлари вакиллари иштирок этди.

Тadbirkor давлатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури, аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари ижросини изчил таъминлаш, «Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги чора-таdbirkorларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ниқоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти, яқин қариндошлар ўртасидаги ниқоҳнинг салбий оқибатлари каби масалалар

## Маҳалланг — ота-онанг НАВҚИРОН АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

ўрганиш, компьютер, турли фанлар ва ижодий ишлар бўйича ўтказилаётган машғулотларда эса ёшлар ўз билими ва ижодий маҳоратини янада ошираётди.

Пойтахтимизда 474 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Уларнинг аксарияти миллиция таянч пунктлари билан бир бинада жойлашган. Бу эса ушбу идоралар вакилларининг ҳамкорлигида иш олиб бориб, маҳаллаларда ҳамжиҳатлик, тинчлик ва хотиржамликни сақлашда кўл келмоқда.

Маҳалла азалдан тинчлик-товуқлик, инсонийлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик, тарбия маскани. Юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ушбу ноёб тизимини ривожлантириш, мавқеини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла»



2010 йил — Баркамол авлод йили

**ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР**

**Аҳоли саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юртимизда тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидандир.**

Маълумки, мамлакатимизда турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида болаларни гудаклигидан бошлаб режа асосида эмлаш ишлари амалга ошириб келинади. Илгари хабар берилганидек, республикамиздаги каби, шаҳримизда ҳам болаларни шол касаллигига қарши оммавий эмлаш тadbирининг биринчи босқичи 17-23 май кунлари ўтказилди. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси маълумотига кўра, беш ёшгача бўлган 172, 4 мингга яқин бола эмланди. 7 июндан бошлаб барча оилавий поликлиникаларда мазкур тadbирнинг иккинчи босқичи бошланди.

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган оммавий эмлаш тadbирининг 7-13 июнь кунларида ўтказиладиган иккинчи босқичида ҳам болаларимиз иккинчи бор яна эмланади, — дейди шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокор уринбосари Вазира Муталова. — Айтиш жоизки,

шаҳримиздаги 60 та оилавий поликлиника ва 11 та кўп тармоқли марказий поликлиникаларда, туғруқхона ва мактабгача таълим муассасаларида алоҳида эмлаш хоналари ташкил қилиниб, бунга олий тои-



фали шифокорлар жалб қилинган. ЮНИСЕФ томонидан ушбу касалликнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳақида маълумотлар қайд этилган плакатлар маҳаллаларга, оила-



ларга тарқатилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ва сертификатга эга мазкур вакцина Францияда ишлаб чиқарилган. Кўни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 47-оилавий поликлиникада мазкур тadbирнинг очиلىш маросими бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш тизими раҳбар-

лари, ЮНИСЕФ ташкилоти вакиллари, чет эллик меҳмонлар, тиббиёт муассасалари ходимлари ва ота-оналар иштирок этди. Тadbирда сўзга чиққанлар шол касаллигининг олдини олиш чора-tadbirlари хусусида гапириб, болаларни ушбу касалликка қарши эмлаш зарурлигини қайд этиб ўтишди.

— Айни кунларда оилавий поликлиникаларда оммавий эмлаш давом этаётган экан, — деди Вазира Муталова, — фурсатдан фойдаланиб, ота-оналарга шуни ҳам эслатиб ўтишни жоиз деб биламан. Фарзандингиз соғлом бўлишини истайсиз, албатта. Агарда оилангизда беш ёшгача фарзандингиз бўлса, поликлиникага мурожаат этиб, уни вақтида эмлатинг.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: 47-оилавий поликлиника негизда эмлаш тadbiri давом этмоқда. Козим Ўлмасов олган суратлар**

**ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН**

**Кўни кеча ёш оила қурувчилар мактабининг жорий ўқув йилидаги якунловчи машғулоти ўтказилди. Мазкур тadbир Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ФХДЁ, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур мактаб Адлия вазирлиги томонидан тизим бошқармалари, ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган.

— Мактаб тингловчилари тумандаги саккизта коллеж ва лицей ўқувчиларидан иборат бўлиб, ёшларимизнинг ҳуқуқий-тиббий билимини ошириш, никоҳ ва оила тушунчаларига эга бўлиши, оила қонунчилигидан сабоқ олишидан кўмак бўлаётир, — дейди туман ФХДЁ бўлими мудираси Мунира Исломова. — Фарзандларимиз ҳаётда керак бўладиган йўл-йўриқ ва мас-

лаҳатларни оила аталмиш бўстонга қадам қўйишдан олдин билиб, кўника ҳосил қилсагина, турмуш қуришга, бахтли ҳаёт кечиршга ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр бўлади...

«Оила — тарбия ўчоғи» мавзусида бўлиб ўтган тadbирда ёш оила қурувчилари мактаби фаолиятида эришилган ютуқлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, шу билан бирга айрим қилиниши муҳим бўлган масалалар устида ҳам тўхталинди.

Тadbирда мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши

курашиш самарадорлигини ошириш чора-tadbirlари тўғрисида»ги Қарори мазмун-моҳиятига ҳам эътибор қаратилиб, бу бораларда соҳа ходимлари томонидан ёшларга «Ўз ҳуқуқини билган қулликка рози бўлмайди» мавзусига доир тегишли ахборот берилди. Машғулотнинг амалий қисмида мактаб тингловчилари «Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз?» мавзусида сахна кўринишларини намойиш этишди.

Энг фаол ва ташаббускор ёшларга сертификатлар ҳамда ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шахризода МУХСИМОВА**

**Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрларни етказиб беришда Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг алоҳида ўрни бор. Нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ўзининг салмоқли тарихи ҳамда бой тажрибасига эга ушбу илм масканидан ҳозирга қадар минглаб фидойи соҳа мутахассислари етишиб чиққан.**

**ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР СИНОВИ**

Мазкур олий даргоҳда курсантлар ўртасида маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тadbirlар уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказилиши билан аҳамиятлидир. 2010 йилни Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан ИИБ ва «Спорт» телерадиоканалининг «Иқтидор» кўрсатуви ташаббуси билан олийгоҳнинг курсантлари ўртасида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ҳам ана шундай тadbirlар жумласидандир.

Мазкур олий ўқув юртининг Сергели туманидаги маданият саройида бўлиб ўтган телевикторинада Ички ишлар вазирлиги, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва курсантлари иштирок этди.

— Бундай танлов доимий ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тadbirlаримизнинг давоми бўлиб, мақсад курсантларнинг ҳуқуқий билимини янада чуқурлаштириш орқали қонунларни ўзлаштиришдаги назарий билим ва

кўникмаларини юксалтиришдир, — дейди Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедраси бошлиғи, майор М.Сувонкулов. — Қолаверса, бундай тadbirlар курсантларимизнинг суд-ҳуқуқ ҳамда ички ишлар идоралари тизимига амалга оширилаётган ислохотларни мазмун-моҳиятини тушунадиган, барча янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини англайдиган етук мутахассис сифатида тайёрлаш борасида қулай имконият деб биламан.

Айтиб ўтиш керакки, қизғин ва муросасиз кечган танловда «Халоскор» жамоаси катта устунликда интеллектуал телеўйиннинг ғолиби деб топилди.

Дарҳақиқат, бу каби маданий-маърифий тadbirlар бўлажак офицерларнинг садоқатли Ватан посбони бўлиб камол топишида, юртимиз осойишталиги йўлида етук мутахассис сифатида хизмат қилишида алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Ўқтам ХОЛИҚОВ, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ходими. Мухлиса МУХИТДИНОВА**

**ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА**

**Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига қарашли Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ҳарбий прокуратура, Республика маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этди.

Тadbирда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, халқимиз, айниқса, ёшларни турли ғаразли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, фарзандларимиз қалбига Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдиришда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори, «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари муҳим дастуриламал бўлаётгани таъкидланди.

Ёшларнинг маънавий-руҳий, сийсий тайёргарлигини ошириш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашда уларнинг ижтимоий-сийсий соҳадаги билимини бойитиб бериши даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Конференцияда ёш авлод маънавиятини юксалтиришга бағишланган маърузалар тингланди.

**Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири**

**ИШ ЮРИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**Ўзбекистон электрон ҳужжатлар айланиши ва электрон рақамли имзо тизимларини кенг жорий этилмоқда.**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг фан-техника ва маркетинг тadbirkотлари маркази «Уникон Уз» давлат шўъба қорхонаси электрон рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш марказлари сони бештага етказилганлигини маълум қилди. Навбатдаги бешинчи марказ «Навийазот» очик акциядорлик жамиятида жорий этилди.

Навий эркин индустриал иқтисодий ҳудуд ташкил этилиши муносабати билан амалга оширилган бу жараёндан вилоятдаги бошқа йирик қорхоналар ҳам фойдаланиш имкони туғилди.

**ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР МАЖМУАСИ**

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган электрон ўқув адабиётлари ва қўлланмаларини яратиш дастури бўйича самарали изланишлар олиб борилмоқда. Режалаштирилган 119 номдаги дарсликлардан 65 таси электрон талқинини топади. Шунингдек, ўқув фильмлари ва мультимедиа дастурий воситалари суратга олинмоқда.**

Ана шу ижодий жараёни кенг йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Кўплаб мутахассисларни ўз атрофига бирлаштирган бу марказ жорий йилнинг ўзида 30 га яқин экран асарини яратишни кўзда тутган.

**Акбар АЛИЕВ**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 03.02.2009 йилдаги №2-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар Ўзбекистон шох кўчаси, 45-А-уй манзилида сақланаётган, «ГАЗ-3102» русумли, д/р 10U2606 бўлган, 2001 йил и/ч/4 автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 254 071 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 12 июль кўни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 12 июлдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг тақририй аукцион савдоси 2010 йилнинг 15 ва 19 июль кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

**«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппаратида юқори малакали ахборот коммуникация технологиялари йўналиши бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш юзасидан танлов эълон қилади.

Мутахассисларга келишув асосида штат жадвалига асосан 500 минг сўмдан 700 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун (мутахассислигига қараб) қўйиладиган талаблар:

- олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;
- ўзбек ва рус тилларини билиши керак.

Танлов комиссиясига тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уй. (Бошпочтам биноси).

**Мурожаат учун телефонлар: 237-49-51, 233-57-47.**

**ҚУТЛАЙМИЗ!**

**ҚАДРЛИ, МУНИС ФАРОФАТХОН ОНАЖОНИМИЗ!**

Сизни қутлуг таваллуд кунингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Нурафшон умримиз чирғобони, ҳаёт боғимизнинг гули бўлмиш **Сиз, азиз онажонимизга** фарзандлик таъзимини изҳор эта-миз.

**Сизни жондан ҳам ортиқ севувчи ўғлингиз Хилолдин ҳамда қизларингиз Фазилатхон ва Муяссархон**



**«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Талабалар баҳори – 2010» фестивали якунланди.**

**Ёшлар — келажакимиз**

**ФЕСТИВАЛЬ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган изчил ва кенг қўламли ишлорлар юксак самара бераётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимизнинг доимий эътибори натижасида бугун таълим тизимининг барча бўғинларида замонавий ўқув масканлари, спорт мажмуалари бунёд этилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари талабаларнинг пухта билим олиши, яшаши ва спорт билан шуғулланишига хизмат қилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган «Талабалар баҳори – 2010» фестивалида пойтахтимиздаги барча олий ўқув юртлиридан тўрт минг нафардан зиёд талаба-ёшлар иштирок этди. Фестиваль доирасида турли илмий-амалий конференциялар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

Болалигимдан волейбол билан мунтазам шуғулланман, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети физика факультети талабаси Покиза Мирзаахмедова. — Фестиваль доирасида ушбу спорт тури бўйича ўтказилган мусобақада жамоамиз голибликни қўлга киритишига ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсандман. Бундай тадбирлар талаба-ёшлар ўртасида спортнинг янада омаллашишида муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда турли йўналишлар бўйича голиб чиққан жамоаларга эсдалик совғалари топширилди. Таниқли санъаткорлар, ижрочи ёшлар ва талабалар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Гўзал САТТОРОВА, ЎЗА мухбири**



**Ниҳоят болажонларимизнинг севимли ёз фасли, зилол сувда мазза қилиб чўмилиб, мароқли дам олишга, турли тўғарақларга қатнашиб, янги дўстлар орттиришга катта имконият очиладиган таътил кунлари бошланди.**

**Айтиб ўтиш жоизки, фарзандларимизнинг бўш вақтини унумли ўтказиши, жисмонан соғлом ва бақувват, ақлан етук бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит мужассам бўлиб, бу албатта қилаётган эзгу ишларимизда ўз ифодасини топмоқда.**

**Ёз — ўтади соз**

**ТАЪТИЛ КУНЛАРИ ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА**

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан болаларни ёз мавсумида соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар доирасида айни кунларда барча оромгоҳларда зарур шароитлар бисёр этилди.

Маълумотларга кўра, Баркамол авлод йилида республика бўйича 812 та, шу жумладан мактаблар қошида 581 та кундузги оромгоҳ фаолият кўрсатади. Уларда мавсум давомида 245 минг нафар бола дам олиши режалаштирилган. Асосий эътибор кам таъминланган оила фарзандларига, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб тарбияланувчиларига қаратилди. Аънамага кўра, бу йил ҳам Оролбўйи ҳудудларида истикомат қилувчи уч мингдан зиёд болажон пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятида жойлашган энг сўлим

ва баҳаво оромгоҳларда соғломлаштирилиб, хордиқ чиқаради.

— Ўғил-қизларимизнинг ёз мавсумида мароқли дам олишини ташкил этиш мақсадида оромгоҳларда турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларини кўпроқ уюштиришни режалаштирмакдамыз, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши матбуот котиби Муҳаббат Ўрмонбекова. — Ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, хар хил тўғарақлар, кутубхона ташкил этилди. Кўрик- танловлар, спартакиадалар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан кизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари, саёхатлар уюштирилади. Барча оромгоҳларда

кўнгилочар мавзулардаги фильмлар мунтазам намойиш этиб борилади.

Куни кеча Марказий темир йўл вокзалида оромгоҳларда дам олиш учун ташиф буюрган қорақалпоғистонлик 220 нафар болажон тантанали кутиб олинди. Кўзларида бир олам қувонч билан пойтахтга келган болалар шинам автобусларда шахримиздаги «Гулбаҳор» оромгоҳига кузатиб қўйилди. Бир гуруҳ қорақалпоғистонлик жажжи меҳмонлар таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Мен Нукус шаҳридаги 37-мактабнинг 6-синфини тамомладим, — деди кўзлари ҳайрат ва ҳаяжон тўла Нурсултон Отабеков. — Тошкентга давра суҳбатлари, янги дўстлар орттириш ниятида келдим. Футбол, шах-

мат- шашкага қизиқман. Оромгоҳда спорт билан шуғулланишимиз учун шароитлар етарли деб ўйлайман.

— Тошкентга йўл олиш давомида Азиза, Ирода, Маҳмуда, Муҳлиса - қанча-қанча дугона орттирдим, — деди Комила Алламуротова. — «Гулбаҳор»да бирга мазза қилиб дам олиб, янги куч-ғайрат билан уйга қайтамиз. Орзуларимиз бир олам. Барчамиз учун бирдек азим пойтахтнинг гўзал жойларини томоша қилишни ният қилдик.

**Шоҳиста МАҲМУДОВА СУРАТЛАРДА:** қорақалпоғистонлик болажонларни кутиб олиш маросимидан лавҳалар.

**Козим Ўлмасов олган суратлар.**

**Спорт янгиликлари**

**ЧЕМПИОН ТЕРМА ЖАМОАЛАР**

Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ўтказиладиган XIX жаҳон чемпионати мухлислар ва мутахассисларнинг диққат-эътиборида эканлиги шубҳасиз.

Айни кунларда бу сафарги нуфузли турнирда қайси терма жамоа чемпион бўлиши, ярим финалга кимлар йўлланма олиши ҳақидаги башоратлар қизгин давом этмоқда. Кўпчилик мухлислар аввалги жаҳон чемпионатларида қайси терма жамоаларга омад қилиб божқонлигига қизиқиши ҳам табиий. Қуйида аввалги чемпион терма жамоалар рўйхати зълон қилинмоқда.

Йил	Ўтказилган жой	Учрашув натижаси
1930	Уругвай	Уругвай — Аргентина — 4:2
1934	Италия	Италия — Чехословакия — 2:1
1938	Франция	Италия — Венгрия — 4:2
1950	Бразилия	Уругвай — Бразилия — 2:1
1954	Швейцария	ГФР — Венгрия — 3:2
1958	Швеция	Бразилия — Швеция — 5:2
1962	Чили	Бразилия — Чехословакия — 3:1
1966	Англия	Англия — ГФР — 4:2
1970	Мексика	Бразилия — Италия — 4:1
1974	ГФР	ГФР — Голландия — 2:1
1978	Аргентина	Аргентина — Голландия — 3:1
1982	Испания	Италия — ГФР — 3:1
1986	Мексика	Аргентина — ГФР — 3:2
1990	Италия	ГФР — Аргентина — 1:0
1994	АҚШ	Бразилия — Италия — 0:0 (пен.бўйича 3:2)
1998	Франция	Франция — Бразилия — 3:0
2002	Ж.Корея/Япония	Бразилия — Германия — 2:0
2006	Германия	Италия — Франция — 1:1 (пен.бўйича 5:3)

Жадвалдан кўриниб турибдики, жаҳон чемпионатлари тарихида Бразилия терма жамоаси беш марта, италиялик чарм тўп усталари тўрт марта, германияликлар уч марта, уругвайлик, аргентиналиклар икки марта чемпион бўлган бўлса, ана шундай омад францияликларга бир марта кулиб боққан.

Бир ой мобайнида қайси терма жамоа ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан бошқалардан кўра кучлироқ бўлади ва чемпионликни қўлга киритади? Буни вақт кўрсатади.

**ЎРИНЛАР СОНИ АНИҚЛАНДИ**

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси 2012 йил Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX Ўзи Олимпиада ўйинлари дастуридаги футбол мусобақасига йўлланма берувчи ўринларни тақсимлаб чиқди.

Унга кўра, футбол бўйича эркаклар мусобақаси саралаш босқичида қўтьамиз вакиллари 3,5 та ўрин учун кураш олиб боради. Африкаликларга ҳам худди шундай ўрин ажратилди. Шунингдек, Жанубий ва Шимолий Америкага иккитадан, Океанияга эса битта ўрин ажратилди. Энг кўп ўрин Европа қўтьаси вакилларига насиб этди. Европаликлар тўртта ўрин учун баҳс юритади.

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — УЧИНЧИ**

Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида волейбол бўйича 1991-1992 йилларда туғилган қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар жамоалари голиблик учун кураш олиб борган ушбу мусобақада Хоразм вилояти терма жамоасига биринчи ўрин насиб этган бўлса, наманганликлар иккинчи ўрин эгасига айланди. Ҳамшаҳарларимиз учинчи ўрин билан кифояланди.

**БАРАКАЛЛА, ВАДИМ!**

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг учинчи босқичи ҳамюртимиз Вадим Меньковга яна омад келтирди.

1000 метрга каноэда эшак эшиш баҳсларида ҳамюртимиз асосий рақиб — германиялик Себастьян Бренделни ярим сонияга ортада қол-

дириб, маррага ҳаммадан аввал етиб келди ва биринчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Вадимдан бир ярим сония ортада қолган канадалик тахрибали спортчи Марк Олдершога насиб этди. Ҳозиргача жаҳон кубогининг кетма-кет иккита босқичида голиб чиққан Меньков бутунжаҳон каноэчилари ўртасида очқолар бўйича яқна пешқадам бўлиб турибди.

Энди Вадим август ойида Польшада ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳамда ноябрда Хитойда уюштирилаётган XVI Осий ўйинларига тайёргарлик кўради.

Биз ҳамюртимизга ушбу нуфузли турнирларда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**ГАЛАБА НАШИДАСИ — МАҒЛУБИЯТ АЛАМИ**

Куни кеча профессионал футбол лигаси ва биринчи лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон Кубогининг нимчорак финал беллашувларининг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш жоизки, баҳслар қутилмаган натижаларга бой кечди, кимдир мағлубият аламини тотиб кўрди, кимдир галаба нашидасини сурди.

Бекободда «Металлург» меҳмони бўлган «Пахтакор» жамоаси қутилмаганда 3:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Пахтакорчилар Шихов (39,45), Миладинович (89-дақиқа пенальти)дан киритган учта голга мезбонлар Каримкулов, Ҳошимов, Абдуллаев, Ватановларнинг (45+1, 53 пенальти, 56,65-дақиқаларда) меҳмонлар дарвозасига 4 та гол киритиш билан жавоб беришди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Кизилкум» — «Шўртан» — 2:0, «Динамо» — «Навбаҳор» — 2:1, «Локомотив» — «Насаф» — 2 — 4:1, «Машъал» — «Локомотив» — БФК — 4:1, «Нефчи» — «Олмалик» — 4:2, «Косонсой» — «Анджон» — 1:5, «Насаф» — «Бунёдкор» баҳси Ўзбекистон Кубоги нимчорак баҳсларининг дастлабки учрашувларига якун ясайди.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**



Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

**ИККИЛИКЛАР**

Хаёл суриб маст бўлган одам,  
Бу роҳатни топмас  
майдан ҳам.

\*\*\*

Руҳлар гар қошингда  
парвона бўлар,  
Яратган ҳам сенга  
ҳамхона бўлар.

\*\*\*

Омад ҳам Аллоҳнинг хуш  
назаридир,  
Нафрат бу аслида эл  
ҳазаридир.

\*\*\*

Кўнгил дарахтининг  
шонаси китоб,  
Ҳар ақл дурининг донаси  
китоб.

\*\*\*

Яхшилик ахтарган  
одамлар бахтли,  
Яхшилик яратган одамлар  
тахтли.

\*\*\*

Меҳр бу аслида кўнгил  
чашмаси,  
Чашмани яратар ёр  
карашмаси.

\*\*\*

Кўшиқ ўтганлардан  
қолган кўнгилдир,  
Кўхна дард оҳидан  
толган кўнгилдир.

\*\*\*

Қадр ҳар бир жоннинг  
қалқони бўлар,  
Меҳр икки дилнинг  
арқони бўлар.

\*\*\*

Ҳавас - ҳар кимса ҳам  
ёқмаган чирок,  
Ҳасад - бир кимсага  
ёқмаган янтоқ.

\*\*\*

Оқил ўз ақлини чирок  
деб билар,  
Жоҳил ўз чироғин димоғ  
деб билар.

\*\*\*

Қалам балқиб ёзар ҳикмат  
битганда,  
Қалам қалқиб ёзар тухмат  
битганда.

\*\*\*

Новвот ширинман деб  
нонга керилди,  
Лек дастурхон тўри нонга  
берилди.

\*\*\*

Сувнинг ситамини қўлмак  
билгайдир,  
Куймаган кўнгил ҳам  
синган бир найдир.

(Давоми бор)

Тошкент давлат Юридик институти томонидан 1995 йилда Матибрагимов Собиржон Эргашевич номига берилган 033037 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ажборот**  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
5617 муҳалла босилди.  
Қароғи бېғона А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомини» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноса. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
123 5